

## Ҳиндистонда Қуръони карим мусобақаси бошланди



14:49 / 03.01.2019 2873

«Нуру-ул Мустафо» Қуръон ва ҳадис маркази томонидан ташкил этилган мусобақада Ҳиндистоннинг 10 та шаҳрида жойлашган 53 та Қуръон марказларидан жами 1032 нафар иштирокчи қатнашмоқда, деб хабар беради IQNA. Ҳиндистонда жами 80 та Қуръон марказлари фаолият олиб боради.

Мусобақада 532 нафар аёл тартил ва ҳифз йўналиши бўйича беллашмоқда. 500 нафардан иборат эркаклар жамоаси эса тартил, қироат ва ҳифз йўналиши бўйича куч синашяпти. Эркакларнинг 88 нафари ҳифз, 324 нафари тартил ва 122 нафари қироат йўналишида қатнашади. Мусобақанинг эркаклар ўртасида давом этаётган босқичининг якунийси жорий йилнинг 9 – 10 январь кунлари Янги Деҳлида бўлиб ўтади.

**islom.uz** портали таҳририяти